# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 27 июль, № 147 (6841) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ МИЛЛИЙ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаниклини қабул қилди.





Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанддаги учрашуви ва жорий йилнинг май ойида Пекинда ўтган «Бир макон, бир йўл» халқаро форуми доирасидаги самарали мулоқоти ўзаро серқирра муносабатлар, шу жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Суҳбат чоғида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Туркия миллий мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг эзгу тилакларини етказди.

Нуреттин Жаникли Ўзбекистонда Қуролли Кучлар салоҳиятини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга юксак баҳо берди ва Туркия томони давлатларимиз ўртасида кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

Ёлқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

## ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси девонхонаси томонидан «Ўзбекистон — Хитой савдо-иқтисодий муносабатлари замонавий босқичда» мавзуида брифинг ўтказилди.*

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини бир қанча ҳужжатлар мустаҳкамлаб туради. Бунда 2017 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 11 — 13 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон — Хитой савдо-иқтисодий муносабатларини янги босқичга кўтарди. Хусусан, икки томонлама савдо алоқаларини янада ривожлантириш, инвестициялар, молия, транспорт инфратузилмаси, эркин иқтисодий ва кичик иқтисодий зоналар барпо қилиш йўналишларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(Давоми 3-бетда).

**2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ**

**ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...**

## Наманган: Ташаббуслар, режалар, натижалар

*Давлатимиз раҳбари ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва халқ билан юзма-юз мулоқот қилиш мақсадида ҳудудларга сафари чоғида, энг аввало, халқ фаровонлигига хизмат қилувчи истиқболли лойиҳалар билан яқиндан танишмоқда. Уларни янада такомиллаштириш юзасидан билдирган таклиф ва тавсиялари эса ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаяпти.*

*Хусусан, Наманган вилоятида ҳам Президентимиз ташрифидан сўнг иқтисодий ислоҳотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари янгича кўлам ва суръат касб этди.*

### "Тошбулоқ текс" 12 миллион доллар қўшимча даромад олади

Яқин вақтгача пахтани, асосан, хом ашё сифатида экспортга чиқарган воҳа саноатчилари эндиликда ташқи бозордан юқори сифатли газлама ва кийим-кечаклари билан тобора мустаҳкам жой олмоқда.

Хусусан, Наманган туманидаги "Тошбулоқ текс" масъулияти чекланган жамиятининг халқаро андозаларга мос калава ипларига Россия тўқимачилик корхоналари катта қизиқиш билдираяпти. Ҳозир бу ерда амалга оширилаётган навбатдаги лойиҳа ипдан газлама ҳамда момиқ сочиқ ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бу орқали йиллик экспорт ҳажмини 12 миллион АҚШ долларига етказиш режалаштирилаяпти.

— Шу мақсадда 16 миллион АҚШ долларилик технологик янгиланишларни амалга ошираяпмиз, — дейди МЧЖ раҳбари Тўлқинбой Баротов. — Янги қувватлар йилига 3 миллион погон метр газлама, 5 минг тонна калава ип ва 3 миллион погон метр момиқ сочиқ тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, 500 кишининг бандлигини таъминлаймиз.

### 200 дан ортиқ турдаги дори воситалари маҳаллийлаштирилади

Ҳозирги кунда кўплаб турдаги тиббий препаратлар юртимизга импорт сифатида келтирилмоқда. Биргина Наманган дорихоналарида уларнинг тури 160 дан ортади. "Merrymed Farm" корхонасидаги тақдимотда уларни босқичма-босқич маҳаллийлаштириш бўйича лойиҳалар намойиш қилинди. Хусусан, "Камол мед фарм" МЧЖ томонидан тиббий этил, камфора спиртлари, меновазин, йод ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. "Наманган фарм плант"да эса анальгин, димедрол, линкамицин сингари ўнга яқин дори воситаларини тайёрлашга ҳозирлик кўрилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Нуреттин ЖАНИКЛИ:

## ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Ўзбек ва турк халқларини кўҳна тарих, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар бир-бирига боғлаб туради. Кейинги йилларда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш борасида дадил қадамлар қўйилди.*

Буни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган **Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли** ЎзА мухбирига интервьюсида алоҳида таъкидлади:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик. Бу учрашув бизни мамнун этди.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти мустаҳкам, юқори салоҳият ва бой тажрибага эга. Бироқ муносабатларимизнинг ҳозирги ҳолатини мавжуд имкониятларимиз даражасида, деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, амалий ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдик.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янги босқичда изчил давом этаётганидан мамнунмиз.

**ЎзА мухбири**
**Б. ҲИДОЯТОВ**
**ёзиб олди.**

## ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида 26 июль куни Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.*

Учрашув якуни бўйича Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ҳарбий-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг тажриба ва билим алмашишини мустаҳкамлаш, ҳарбий-техника соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, 2018 йилда Туркия ҳарбий-ўқув юртлари ва марказларининг тайёрлов курсларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Туркия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи Давлат музейида бўлди ва бу ердаги бой экспозиция билан танишди. Шунингдек, меҳмонлар «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ва Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасини ҳам зиёрат қилди.

**Аблай КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Мурожаатларга эътиборсизлик

### фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлишига олиб келади

Муаммо қачон пайдо бўлади? Қачонки, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси таъминланмаса, аҳоли мурожаатларига жиддий эътибор қаратилмаса, улар ўз вақтида қонуний ечим топмаса у шаклланади ҳамда оқибатда жамиятимиз ривожи учун хавф солади. Бугун айтиш мумкинки, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, асосли ўрганиш, таҳлил этиш аҳоли манфаатларини кафолатлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг бош мақсадига айланди. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида ўнлаб, ҳатто юзлаб одамлар тақдири турибдики, бу улар билан ишлашда юксак масъулиятни ҳис қилиш заруратини тақозо этади. Шундагина фуқароларнинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланади. Айни пайтда парламент юқори палатасида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари ижросига, уларда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилишига устувор аҳамият берилаяпти.

Бинобарин, бугун даврнинг ўзи халқ вакилларидан фикри-зикри билан одамларга яқин бўлиш, доимо эл-юртнинг ташвишу муаммолари билан яшашни талаб қилаяпти. Чунки ўзининг ташкилотчилиги ҳамда ташаббускорлиги, масъулияти билан халқ ишончини қозонган ҳар қайси парламент аъзоси фуқаролар мурожаатига ҳеч қачон эътиборсиз қарамайди.

(Давоми 2-бетда).

## ЭСКИЧА ИШЛАШ ВА ҲИСОБОТЛАР ОРТИДАН ҚУВИШ

### фаолият самарадорлигига тўсқинлик қилади

*Аввал хабар қилинганидек, Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасини чуқур ўрганиш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда маҳаллий Кенгашлар сессиялари танқидий-таҳлилий руҳда ўтказилди, мутасаддилар ҳисоботлари эшитилди.*

**МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА**

Бундан англашиладики, бугун одамлар орасида бўлиш, улар билан мулоқот қилиш мавжуд камчиликларни бартараф этишга, масъул раҳбарларнинг халқ дарди билан яшаш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишдаги масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгаши сессиясида кўриб чиқилган масалалар, чунончи, Президентимиз маърузасида юклатилган вазифаларнинг жойларда ижро этилишини таъминлаш мақсадида тузилган республика ишчи гуруҳининг вилоятда ўтказган ўрганишлари натижалари иштирокчилар эътиборини тортди.

Таъкидланганидек, ҳудуддаги аксарият ҳудудий партия ташкилотлари аъзолик бадалларидан келган тушумлар, ўтказилган тадбирлар ва ундаги иштирокчилар сони каби рақамлар ортидан қувиш кайфиятидаги ҳисоботларга боғланиб қолган. Партиянинг асосий ишлари эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ЭЛЕКТОРАТ ФИКРЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДА

*Мамлакатимиз раҳбарининг жорий йил 12 июль куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни сиёсий партиялар ўз фаолиятида устувор аҳамиятга эга, деб билмоқдалар.*

**ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАЛАРИ**

Улардан бири парламент томонидан қабул қилинаётган муҳим қонун лойиҳалари муҳокамасига аҳолини кенг жалб этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида сайловчилардан келиб тушаётган таклифларни ҳисобга олишни таъминлашдир. Айни пайтда сиёсий партиялар юртимизнинг турли ҳудудларида сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиб, қонун лойиҳаларини муҳокама қилмоқда. Айтиш жоизки, ушбу ҳужжатлар яқин орада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Урганч шаҳрида "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасини ўтказди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг Наманган вилояти сайловчилари билан бўлиб ўтган учрашуви "Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

(Давоми 2-бетда).

**ХАЛҚАРО ПРЕСС-КЛУБДА**

*Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги сессияси “Ўзбекистоннинг замонавий солиқ сиёсати: вазифалар ва ижро механизми” мавзуига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Молия, Адлия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Ҳисоб палатаси, Бош прокуратура мутасаддилари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви, шунингдек, Солиқ академиялари масъул ходимлари қатнашди.*

*Қайд этилганидек, сўнгги пайтларда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, хусусан, солиқ соҳасини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу боис галдаги тадбирда республикамизда солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш, солиқ тўловчиларга яратилган қулайлик ҳамда имтиёзлар, давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив хизматлар, соҳада ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга доир вазифалар ижроси муҳокама марказида бўлди.*

## Замонавий солиқ сиёсати:

# ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

### Мулоқотсиз муносабат ўрнатиш майдони

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бошқа соҳалар қаторида солиқ солиш базасини кенгайтириш орқали солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва солиқ юкини камайтириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Президентимизнинг жорий йил 18 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун солиқ юкини изчиллик билан камайтириш ва қулай шарт-шароитларни яратишни таъминлашда янги даврни бошлаб берувчи муҳим ҳужжат бўлди. Унда давлат солиқ хизмати органлари тизимини ислоҳ қилишнинг еттита муҳим йўналиши белгилаб берилди.

— Бугунги кунда ҳаётимизга чуқур кириб келаётган ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи соҳамизни замон талабига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланишни тақозо этмоқда, — дейди Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Назарали Норбоев. — Қолаверса, Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган вазифалар ҳам тизим фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Хусусан, Фармонда белгиланганидек, интерактив хизматлар бўйича ҳали амалга оширилиши керак бўлган ишлар кўп. Бундан ташқари, бюджет ҳамда даромадларни шакллантириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган дастурларни доимий равишда молиявий таъминлаб бориш учун солиқ солинадиган базани тўлиқ қамраб олиш, янги шаклларни қўллаш каби тадбирларни жонлантиришимиз зарур.

— Солиқ маданиятини юксалтириш жиддий масалалардан биридир, — дейди Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Эркин Гадоев. — Чунки ҳар бир солиқ тўловчи, у хоҳ жисмоний, хоҳ юридик шахс бўлсин, нима учун солиқ тўлаётганини билиши лозим. Бундан ўзи ҳам манфаатдор эканлигини англаб етиши керак. Шу маънода, Фармон билан солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида мулоқотсиз муносабат ўрнатиш масаласи ўртага қўйилгани ҳам айни муддаодир. Зеро, бу мазкур жараёнга инсон омили аралашувини камайтириш баробарида, унга унум бағишлайди. Бунга, албатта, Фармонда қайд этилганидек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини изчил қўллаш орқали эришилади.

### Интерактив хизматлардан фойдаланиш қамрови қандай?

Дарҳақиқат, замонавий ахборот технологиялари ўзаро мулоқотсиз тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга. Давлат солиқ тизимида ушбу йўналишдаги ишларга 2005 йилдан бошлаб жиддий эътибор қаратилиб, тўрт босқичли жараён амалга оширилмоқда. Жумладан, дастлаб, солиқ тўловчиларга 9 та интерактив хизмат таклиф этилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 35 тани ташкил қилмоқда.

Айни пайтда 345 мингта юридик шахснинг давлат солиқ органи сайтида ўз “Шахсий кабинети” мавжуд. Тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг электрон рақамли имзодан фойдаланиш имконияти ҳам тобора ошиб бораётир. Бундан ташқари, қўмитанинг “мобиль илова”си орқали ҳам 15 та хизмат жисмоний шахслар эътиборига ҳавола қилинаётир. Солиқ тўловчиларга қулайлик туғдириш, мулоқотсиз назорат тизимини яратиш мақсадида 53 та вазирлик ва идора билан 112 турдаги маълумотлар алмашинуви йўлга қўйилган.

Умуман, солиқ органлари ҳамда солиқ тўловчилар ўртасида 44 та ҳолатда мулоқот вужудга келади. Тизимда айни пайтгача шунинг 35 таси интерактив асосда амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фармони эса ушбу ишларни тўртинчи босқичга кўтариб, барча хизматни замонавий усулда кўрсатиш учун мустаҳкам пойдевор яратиши билан аҳамиятлидир.

### Таътил — ривожланиш учун имконият демак

Президентимиз Фармонида айрим субъектларга солиқ таътиллари берилиши ҳам қайд этилган. Сессия спикерлари ушбу масалага ҳам алоҳида тўхталиб, унинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилишди.

Яъни эндиликда вақтинчалик молиявий қийинчиликларга тўқнаш келган ҳалол солиқ тўловчилар — хўжалик юритувчи субъектларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ таътиллари берилиши мумкин. Албатта, бу ўз ишини сидқидилдан бажариб, халқимиз манфаатлари йўлидаги эзгу мақсадли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга бел боғлаган ишбилармонлар учун жуда фойдалидир. Лекин ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар юзасидан солиқ тўловчилар томонидан асослар тақдим этилмаган тақдирда, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар суммалари суд тартибида ундирилади.

### Терминал бўлиши шарт, лекин...

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 февралдаги “Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар аҳолидан тўловларни банк пластик карточкалари орқали қабул қилувчи ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатмасдан фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган эди. Унга кўра, нақд ёки пластик карточка орқали ҳисоб-китоб қилиш шаклига қараб, нархларни сунъий равишда оширса ёки камайтирса, энг кам иш ҳақининг ўттиз баробари, назорат-касса машиналари ва терминалларни ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда, уларни ишлатмаслик, худди шунингдек, квитанциялар, талонлар, чеклар ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларни бермасдан товарларни реализация қилганлик ҳамда хизматлар кўрсатганлик учун энг кам иш ҳақининг ўттиз баробаридан эллик баробаригача, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик эса энг кам иш ҳақининг юз баробари миқдорида жарима солинишига сабаб бўлиши қайд этилган.

Халқаро пресс-клуб анжуманида ушбу масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Дейлик, орадан белгиланган вақт ўтди. Бироқ ҳамма жойда ҳам бунга тўлиқ амал қилаётган тадбиркорларни учратавермаймиз. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Давлат солиқ қўмитаси мутасаддиларининг фикрича, бунга амал қилмаган ҳар бир ишбилармонга тегишли чора кўрилади. Лекин айрим ҳолатлар инобатга олинади. Масалан, белгиланган муддат ичида терминал харид этиш учун мурожаат қилинган ва бошқа ишончли сабаблар бўлган тақдирда, жавобгарликдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси ўринбосари Саидкамол Ходжаевнинг айтишича, мамлакатимизда терминаллар етишмовчилиги мавжуд. Чунки уни ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар кам. Шу боис терминаллар хориждан келтирилмоқда. Бугунги кунда ушбу йўналишда маълум ишлар амалга оширилаётир. Терминаллар эҳтиёжи бор тадбиркорлик субъектларига банклар орқали етказиб берилмоқда, унинг тегишли захирасини яратиш чоралари кўрилаяпти.

Маълумки, бир ҳафта мобайнида Халқаро валюта жамғармаси миссияси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши ҳамда расмий органлар ишлаб чиққан ислоҳотлар режасини муҳокама қилиш учун пойтахтимизда бўлди. Кеча миссиянинг ушбу ташрифи якуни бўйича баёноти оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди.

Сессияда мутасаддилар журналистларнинг мазкур йўналишдаги саволларига ҳам батафсил жавоб қайтаришди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Хитой ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат кредитлари асосида Ўзбекистонда электр энергияси, нефть-газ, гидроэнергия ва кимё саноати, ҳаво ва темир йўл транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш сингари 60 дан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи чоғида мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли қўшма корхоналар яратишга келишиб олинди.

— Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар Хитой жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда, — дейди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Цзинь Юйлун. — Биз ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, саноатни модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган мазкур саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

**Б. БОЗОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА**

*Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсишда давом этишини билдирди. Ташкилот прогнозига кўра, дунё ялпи ички маҳсулоти жорий йилда 3,5, келгуси йили эса 3,6 фоиз ошиши кутилмоқда.*

## Барқарор ўсиш кузатилади

Таъкидланишича, АҚШнинг жаҳон иқтисодиёти юксалишидаги ўрни келгусида бир оз пасаяди, аммо мамлакат мазкур соҳада олдин кутилганидан кўра зиёдроқ ўсишга эришади. Хусусан, АҚШ ялпи ички маҳсулоти жорий йил 2,5 фоиз ортади. Шунингдек, Буюк Британиянинг бу борадаги кўрсаткичи ҳам олдинги тахминлардан кўра анча юқори бўлиши белгиланган.

Мутахассислар 2017 йили ўзаро маҳсулот айирбошлаш ва хизматлар кўрсатиш соҳаси ҳам ўтган йилдагига нисбатан 4 фоиз ортиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

## Электромобиллар эрасига янги қадам

*“Toyota” (Япония) компанияси электромобиллар учун янги турдаги батареяларни яратиш устида иш олиб бораяпти. Мазкур ихтиро амалга ошгач, машинани атиги бир неча дақиқа мобайнида қувватлантириш имконияти пайдо бўлади.*



Айни пайтда тадқиқотлар якунига етиб қолган. Хабар берилишича, бундай батареялар билан жиҳозланган электрокарлар 2022 йилдан эътиборан сотувга чиқарилади. “Яқин йилларда биз бошқа компаниялар томонидан ҳам ушбу жабҳада рақобатга киришилишини кузатишимиз табиий. “BMW” ва “Mercedes-Benz”нинг янада кучли электродвигатель ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатлари буни яққол тасдиқлайди”, дея фикр билдиради европалик таҳлилчи Крейг Эрлам.

Экспертларнинг айтишича, келгуси ўн-ўн беш йил ичида дунё автомобиль бозорининг асосий қисми электромобиллардан иборат бўлади.

## Францияда ҳам ўрмон ёнғинлари

*Франциянинг Жануби-Шарқида жойлашган ҳудудлар — Юқори Корсика, Воклюз, Альп денгизбўйи ҳамда Вар департаментларида кучли шамол туфайли ўрмон ёнғинлари тобора авж олаяпти.*



Душанба кунидан буён уч минг гектардан ортиқ майдон кулга айланган. Юздан зиёд аҳоли вакиллари эвакуация қилинди. “Тилсиз ёв”ни бартараф этиш учун йигирмага яқин самолёт ва вертолётлар, икки минг нафардан кўпроқ ўт ўчирувчилар жалб қилинган. Айни пайтгача уларнинг 4 нафари енгил, бир нафари эса оғир даражадаги куйиш билан шифохоналарга ётқизилган. Яна 15 нафар ўт ўчирувчи ис гази билан заҳарлангани айтилмоқда.

Ёнғин нима сабабдан юз бергани ҳозирча номаълум.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

**ДУНЁ НИГОҲИ**

*Юртимизда яшаб ўтган алломаларнинг бой маънавий мероси, халқимиз азалий урф-одат ва анъаналари ҳамиша жаҳон аҳлининг ҳайратига сабаб бўлиб келган. Бобокалонларимизнинг тиббиёт, астрономия, фиқҳ, тарбия борасидаги бой билим ва ноёб истеъдоди, ҳарб санъатидаги маҳорати бугун ҳам кенг тадқиқ этилиб, жиддий ўрганилмоқда.*

# «Ўзбекистон: кашф этилган янгиликлар»

**Хорижий телеканал томонидан шу номли ҳужжатли фильм суратга олинмоқда.**

Шу маънода, Россиянинг “Культура” телеканали томонидан “Ўзбекистон: кашф этилган янгиликлар” номли бир соатлик ҳужжатли фильм суратга олинаётганлиги қувонарлидир.

У Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда “Караван-ТВ” ҳамкорлигида тасвирга туширилаяпти. Фильмда Ўзбекистоннинг азалий урф-одат ва анъаналари билан ҳамоҳанг равишда жадал ривожланаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Бугун ўтмиш ҳамда замонавийликнинг ўзаро уйғунлигини ҳар қадамда кузатиш мумкин. Хусусан, Тошкентда муқаддас ислом динининг асл қадриятларини янада тўла англашга хизмат қиладиган Ислом маданияти маркази ташкил этилмоқда. Самарқандда ислом олами олим ва мутафаккирларининг меросини ўрганадиган Халқаро илмий-тадқиқот маркази очилади. Бухородаги 1536 йилда барпо этилган қадимий “Мир Араб” мадрасасида илму толиблар учун замонавий талабларга жавоб берадиган шароитлар яратилмоқда.

Фильм продюсери Фирдавс Абдухолиқовнинг таъкидлашича, бу Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг Россия телекомпаниялари билан навбатдаги қўшма лойиҳасидир. У Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига муносиб туҳфа бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарларда суратга олинаётган фильмда ноёб кино ҳамда фотоҳужжатлар, архив кадрлари, шахсий архив материалларидан фойдаланилади. Шунингдек, машҳур меъморлар, олимлар, тарихчи ва хаттотлар, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қиладиган оддий одамлар билан суҳбатлар уюштирилиши ҳам кўзда тутилган.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

# Талаб қилишга ҳақлисиз



*Президентимизнинг “Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш, истеъмолчиларга товар чеки бериш жараёнлари янада такомиллаштирилди.*

**ЖАРАЁН**

Айрим дорихоналарда ускуна носозлиги ёки бошқа бирор сабаб туфайли товар чеки берилмаслиги ҳолатлари қайд этилаётган эди. Бу эса тиббий препаратнинг чекланган нархларда сотилиши ва сифати устидан истеъмолчи назоратининг сусайишига олиб келаётганди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китоби шаклини тасдиқлаш вазифаси белгиланди. Ушбу китоб қатъий ҳисоби юритиладиган бланк ҳисобланади ва ундан товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳоллардагина фойдаланилади. Мазкур бланкда ҳам товар чекида қайд этилувчи маълумотлар, яъни:

- ✓ *Дори воситаси ёки тиббиёт буюмининг номи;*
- ✓ *Идентификация маълумотлари (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори);*
- ✓ *Уларни берувчи шахсга оид маълумотлар;*
- ✓ *Бериш санаси;*
- ✓ *Нархи*

тўлиқ акс этади.

Товар чекларининг аҳамиятли томони шундаки, агар истеъмолчида тиббий препаратнинг нархи оширилганлиги хусусида шубҳа юзага келса, уни аниқлаш товар чеклари орқали амалга оширилади. Илгари фақат касса чеки берилар ва унда дори воситалари номи ҳамда ҳар бирининг нархи қайд этилмасди. Эндиликда харидорнинг ўзи ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириши ва дори воситаларининг чекланган нархларда сотилишини назорат қилиб бориши мумкин. Бунинг учун дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар харид қилинганда, албатта, касса чеки билан бирга, товар чеклари ёки унинг муқобили бўлган товар чеклари китоби бланкаси тўлдириб берилишини сўраш айни муддао.

**Исмат АЗИЗОВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

# Энергия сарфи қисқарди

*Гулистон шаҳридаги “Бетон саноат” масъулияти чекланган жамиятида замонавий технология жорий этилгач, электр энергияси ва табиий газ сарфи сезиларли даражада қисқарди, маҳсулот таннархи ҳам арзонлашди, ишлаб чиқариш ҳажми эса бир неча баравар ошди.*

— Ушбу компьютерлаштирилган технологиянинг афзалликлари кўп, — дейди МЧЖ раҳбари Рустам Турдиев. — Хусусан, томёпқичларни аввалгидек алоҳида махсус қолиплардан фойдаланмаган ҳолда, яъни линиядаги дастур асосида турли ҳажмларда тайёрлаш имконияти яратилди. Натижада ишлаб чиқариш жараёнининг тезкорлиги ортди.

Мазкур цехда кунига 350 погон метр ана шундай қурилиш материали тайёрланади. Айтиш жоизки, ҳозирги пайтда корхона томонидан ҳудуддаги, шунингдек, қўшни вилоятлардаги ҳамкорларга 30 турдан ортиқ темир-бетон ашёлари етказиб берилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Соҳибқирон назарига тушган қишлоқ

*Қашқадарё вилояти марказидан 17 километр Жануби-Ғарбда Қовчин қишлоғи жойлашган. Бу қишлоқда Абул-Муъин ан-Насафий зиёратгоҳи бор. Президентимиз Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифи чоғида мазкур қадамжони кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, бу ерда кутубхона ташкил этиш, аллома асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича тавсиялар берган эди.*

### ТАБАРРУК ҚАДАМЖОЛАР

Кексаларнинг айтишича, қадимда ҳудудда Қум, Қайрабод, Ёмчи, Ибсан, Жумабозор деб аталган қишлоқлар бўлган. Кейинчалик уларнинг барчаси Қовчин қишлоғига бирлаштирилган. Қишлоқнинг Қовчин деб аталишига сабаб у ерда яшаётган аҳолининг кўпчилиги қовчин уруғига мансуб. Топономик олим Д. Абдураҳмонов ўзининг "Қовчин сўзининг тарихи ҳақида" деб номланган мақоласида: "Ҳақиқатан ҳам, қовчин сўзининг уруғ номи эканлиги аниқ. Бу уруғ, бошқа ерлар билан бирга, Қашқадарё водийсида ҳам кўчиб юрган. "Қовчин" эпчил ва кучли деган маънони беради", дейди. Қовчин уруғига мансуб кишилар табиатан жасур бўлганликлари туфайли Соҳибқирон Амир Темур ва Бобур қўшинларида кўпчиликни ташкил қилган. Бу ҳақда Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарларида ҳам қайд этилган.

Зиёратгоҳ машҳур калом илмининг вакилларидан бири Абул-Муъин ан-Насафий (1027-1114) номи билан аталади. У ҳақида тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов раҳбарлигида нашр қилинган "Ўзбекистон — буюк алломалар юрти" номли китобда шундай дейилади: " У (Абул-Муъин ан-Насафий)нинг ан-Насафий нисбаси билан аталиши хусусида эса барча тарихнавислар якдиллик билан бир хил ёзганлар. Шу билан бирга, баъзи манбаларда ан-Насафийнинг бир қанча муддат Самарқандда яшаганлиги ва сўнгра узоқ йиллар Бухорода муқим истиқомат қилганлиги ҳақида ҳам хабарлар келтирилган. Унинг вафоти ҳақида эса аксар манбаларда 1114 сана берилади. Шунга кўра, аллома Абул-Муъин ан-Насафий узоқ умр кўриб, 87 ёшида вафот этган. Унинг қабри Қарши шаҳри яқинидаги Қовчин қишлоғида жойлашган".

Ан-Насафий Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган мотуридия таълимоти тўғрисидаги китоби билан катта шуҳрат қозонган.

Абул-Муъин ан-Насафий зиёратгоҳида хитой ипак қоғозида битилган қўлёзма Қуръони карим мавжуд. Бу Қуръони каримнинг бўйи 60, эни 41 сантиметрни ташкил қилади. Китобга уста Зариф деган киши томонидан баландлиги 1 метру 60 сантиметр бўлган лавҳ ясалган. Лавҳда ҳижрий йил ҳисоби билан 1266 йил (милодий йил бўйича 1851 йил) ёзиб қолдирилган. 12 қатор шеър лавҳда ўйиб битилган.

Истиқлол туфайли юртимиздаги зиёратгоҳ ва қадамжоларга бўлган муносабат тубдан ўзгариб, улар кўркам ва обод манзилларга айлантирилди. Ана шундай масканлардан бири — Абул-Муъин ан-Насафий зиёратгоҳининг янада обод қилиниши аждодларга бўлган юксак эҳтиром ифодасидир.

**Руҳиддин АКБАРОВ.**
Қарши тумани

# Учта олтин ва тўртта кумуш медаль

## ўзбекистонлик паралимпиячиларга насиб этди

*Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, учта олтин ва тўртта кумуш медални қўлга киритган спортчиларимиз Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.*

ФАХР

Шу муносабат билан бу ерга Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси ва жамоатчилик вакиллари, спортчиларнинг оила аъзолари ҳамда яқинлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон фарзандлари ушбу ғалабаси билан Ватанимизнинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшишди. Вакилларимиз норасмий медаллар жамғариш бўйича дунёда 19-ўринни, Осиё қитъасида эса фахрли учинчи натижани қайд этишди. Бундай улкан ғалабанинг қўлга киритилишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, паралимпиячиларимизнинг нуфузли мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришлари учун муносиб шароитлар яратиб берилмоқда.

— Ютуқлар ўз-ўзидан келаётгани йўқ, — дейди мусобақа ғолиби Дониёр Солиев. — Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан мустақиллик йилларида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани самарасидир. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ва жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам кенг қўллаб-қувватланаётгани бизни улкан марралар сари руҳлантирмоқда.

Турнирда Александр Свечников найза улоқтириш бўйича жаҳон рекордини янгилаб, олтин медалга сазовор бўлди. Узунликка сакраш мусобақасида ҳамюртимиз Дониёр Солиев, диск улоқтириш бобида эса вакилимиз Ҳусниддин Норбеков ғолибликка эришди. Хотин-қизлар ўртасида ядро ва диск улоқтириш бўйича София Бурханова иккита кумуш медални қўлга киритди. Эркаклар ўртасида ядро улоқтириш баҳсларида Ҳусниддин Норбеков ҳамда хотин-қизлар орасида найза улоқтириш мусоабақасида Нозима Қаюмова иккинчи поғонани банд этди.

**Суннатилла ИСЛОМОВ.**

ТУҲФА

*Мустақиллигимизнинг 26 йиллиги муносабати билан жойларда ўтказилаётган «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остидаги навбатдаги тадбир пойтахт вилоятининг энг олис ҳудудларидан бири — Ангрен шаҳридаги "Лашкарак" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.*

# Гузардаги илк тадбир

Таниқли олимлар, санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ислоҳотлар ва уларнинг самаралари ҳақида гап борди.

Шунингдек, анжуман доирасида ёш тадбиркор Матназар Муратов саъй-ҳаракати билан бунёд этилган маҳалла гузарининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Айни пайтда ушбу мажмуада маҳалла фуқаролар йиғини идораси ходимлари ва профилактика инспекторининг ишлаши учун барча шарт-шароит яратилган. Бундан ташқари, оталар чойхонаси, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда дам олиш хоналари ҳам ишлаб турибди. Тоғ бағрида қуриб битказилган мазкур марказ лашкаракликларга нафақат чинакам байрам туҳфаси бўлди, балки қишлоқ кўркига ҳам ўзгача тароват бағишлади.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ғаройиб ликопча

*Бу сабзавот тури кўпгина жойларда наинки озиқ-овқат, балки манзарали экин тариқасида ҳам етиштирилади. Жуда чиройли манзара кашф этиб ўсадиган ушбу ўсимликнинг номи патиссондир. "Патиссон" французча сўз бўлиб, ўзбек тилида "сабзавот ликопча" деган маънони англатади. Чиндан ҳам, унинг меваси ликопчани эслатади.*

### БИЛАСИЗМИ?

Патиссондан мураббо тайёрланади, тузлама сифатида фойдаланилади. Шунингдек, уни қовуриб, истеъмол қилса ҳам бўлади.

Патиссон парҳез ва даволаш хусусиятига эга. У 4-7 кунлик пайтида энг мазали ва фойдали ҳисобланади. Агар ҳосил шу пайтларда йиғиштириб олинмаса, дағал, ёғочсимон ва мазасиз бўлиб қолади. Унинг таркибида киши саломатлиги учун зарурий бўлган дармондорилар, минерал тузлар, қанд, ферментлар жуда кўп. Мевасининг озуқавий баҳоси жуда юқори: 100 грамми 15 кк.га тенг.

Патиссон таркибидаги сув ишқор бирикмалари билан бирлашиб, танада оқсиллар тўлиқ ўзлаштирилишини фаоллаштиради ва қондаги ишқорий муҳитни маромида ушлаб туради. Жигар, қон босими ортиши, паришонхотирлик, камқонлик (анемия), буйрак хасталикларида яхши наф беради.

Патиссон меваси таркибида калий тузлари, уруғи эса мой ва сапонин тўплагани туфайли тиббиётда жуда қадрланади. Масалан, унинг тўқ сариқ тусли навида лютеин моддаси кўплиги боис кўз кўриш қобилиятини яхшилайди. Компьютерда ишлайдиган кишиларнинг иммун тизимини мустаҳкамлаб, ташқи таъсирдан асрайди.

Шу ўринда айтиш жоизки, лютеин қонга тушгач, антиоксидант сингари таъсир этади ва тиқин (тромб) ҳосил бўлишининг олдини олади. Натижада бош мия инсульти ёки юрак инфарктидан сақлайди. Қолаверса, лютеин ҳужайраларни жароҳатланишидан асраб, тананинг қариш жараёнини секинлаштиради. Демак, кимки ўз саломатлигига эътиборсиз бўлмаса, таомномасига тўқ сариқ (апельсинранг) патиссонни киритсин.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

IPOTEKA BANK

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

2017 йил 19 июлда
«Standard & Poor's»
халқаро рейтинг агентлиги

«ИПОТЕКА-БАНК»
акциядорлик тижорат ипотека банкининг

халқаро
рейтингларини тасдиқлади.

Рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР»

1064А/47 Хизматлар лицензияланган.

"ҚУРИЛИШ-ЛИЗИНГ" ЛИЗИНГ ТАШКИЛОТИ

Барча мулк шаклидаги қурилиш ташкилотлари учун

- қурилиш техникаси
- махсус транспорт
- қурилиш асбоблари
- технологик жиҳозлар
- кичик механизация воситалари

Лизинг 1 йилдан 5 йилгача
Ижара 1 йилгача



Лизинг операцияларини амалга ошириш орқали ўз маблағингизни сезиларли даражада тежаш имкониятига эга бўласиз.

Лизинг шартлари ҳар бир мижоз учун алоҳида тарзда белгиланади.

2017 йил учун ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШГА буюртмалар қабул қилинади.

МАВЖУД ТЕХНИК АНЖОМЛАР: КОМПОЗИТ АРМАТУРА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛИНИЯСИ.
ШУНИНГДЕК, КИЧИК МЕХАНИЗАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ҲАМ ҲОЗИРГИ КУНДА МАВЖУД:
— БЕТОН ҚОРУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (ЎЗБЕКИСТОН);
— РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ТУРЛИ РУСУМДАГИ МАЙДАЛОВЧИ БОЛҒАЛАР;
— ПАСАЙТИРУВЧИ ТРАНСФОРМАТОРЛАР, ЧУҚУРЛИК ВИБРАТОРЛАРИ, БЕТОНҚОРГИЧЛАР.

Тош кесувчи ускуна СК-350/600

АРЗОН НАРХЛАРДА, ЧЕГИРМАЛИ САВДО-СОТИҚ
Маҳсулот сертификатланган.

Бўёқчилик аппарати АМ-01

Аэропорт, Темир йўл, Бозор, Кумариқ к., Озиқ-овқат дўкони, Дорихона, Олтин водий к., 29-«А» уй, Кўприк, Ремонт заводи, «Қурилиш-лизинг»

Тўловлар миллий валюта — сўмда амалга оширилади.
Манзил: Тошкент ш., Олтин водий к., 29-«А» уй. www.qurilish-lizing.uz E-mail: kurilish2003@mail.ru
Тел.: (0-371) 250-73-14, 250-85-91, (+99890) 958-61-61. Тел./факс: (0-371) 250-51-04.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ
Micros




ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:
- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ҳамда бошқалар.




Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чек принтерлари, савдо тарозилари.
Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.
Кичик Бешёғоч к., 86 (шаҳар ДЙҲХБнинг собиқ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (кўш. 850, 858), факс: (0-371) 281-43-65.
www.micros.uz; e-mail: scales@micros.uz, micros@micros.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 022 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

- МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.43 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5